

«Ўздавдонинспекция» томонидан нон ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритувчи субъектларда ўтказиладиган текширишлар

ДАСТУРИ

1. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектни текшириш мақсади билан таништириш, текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи зарур ҳужжатларни кўрсатиш ва текшириш учун асос ҳисобланувчи ҳужжатларни тилхат асосида топшириш. Текшириш тўғрисида “Текширишларни рўйхатга олиш китоби”га тегишли ёзувларни қайд этиш (Китоб тақдим этилмаган тақдирда бу ҳақда тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилади).

2. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъект (корхона) тўғри-сида маълумотлар. (Номи, манзили, фаолият тури, раҳбарлари ва ҳ.к.).

3. Олдинги текширишда аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этилиши тўғрисида маълумотлар.

4. Текшириш мақсади: Қолипли нон ишлаб чиқариш соҳасида донни қайта ишлаш маҳсулотларидан оқилона фойдаланишни тартибга солишга доир амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини ўрганиш.

5. Текшириш предмети:

“Ўздонмахсулот” ДХК томонидан 1994 йил 30 декабрдаги 82-сон буйруғи билан тасдиқланган “Нон ёпиш корхоналарида технологик жараёнини ташкил этиш ва жорий қилиш қоидалари”, “Ўздонмах-сулот” АК ва “Ўздавдонинспекция”нинг биргаликдаги қўшма буйруғи билан тасдиқланган “Ун, ёрма, мойли экинлар уруғлари ва донни сақлаш Йўриқнома” ҳамда амалдаги донни қайта ишлаш маҳсулотларига тегишли бўлган давлат стандартлари ва соҳадаги техник шартлар талаблари.

Текширишда ўрганиб чиқиладиган масалалар:

а) донни қайта ишлаш маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва ишлаб чиқаришга тайёрлаш ҳамда бериш тартибларига риоя қилини-шини ва ўрнатилган технологик қурилмаларнинг норматив ҳужжат талабларига мувофиқлигини текшириш;

б) уннинг миқдори ва сифатини ҳисобга олиниши;

в) технологик жараённинг (тайёр маҳсулот чиқарилгунига қадар) олиб борилиш тартибларига риоя қилиниши, ишлаб чиқариш цехлари, омбор ва ёрдамчи хоналарнинг ҳолати;

г) технологик жараённинг, ундан оқилона фойдаланишга бевосита таъсир кўрсатувчи асосий параметрларини назорат қилиш;

д) уннинг сарфланишини меъёрлаш ва хом-ашёдан оқилона фойдаланишни таъминловчи омилларни текшириш;

е) хом-ашёларнинг мувофиқлик сертификатлари мавжудлигини текшириш;

ж) шаҳодатланган ишлаб чиқариш-технологик лабораториянинг мавжудлиги, кадрлар таркиби ва малакаси, хоналарнинг етарлича бўлиши, зарурий ўлчов воситалари ва синов ускуналари, реактивлар ва бошқалар билан жиҳозланганлиги. Лаборатория ускуналарининг метрологик кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг мавжудлигини текшириш;

з) хом-ашё сифат кўрсаткичларини аниқлаш усуллари бўйича тегишли норматив хужжатларнинг мавжудлиги, ўтказилаётган синов-ларни норматив-техник хужжат талабларига мувофиқлиги, тасдиқ-ланган шаклдаги журнал ва китобларни расмийлаштириб борилиши, намуна сақлаш хоналарининг аҳволи ва намуналарни сақланишини текшириш;

и) таҳлил натижаларини юк хатлари реестри ва лаборатория журналлардаги ёзувлар билан солиштириш;

6. Текшириш натижалари бўйича 2 нусхада далолатнома тузилиб, унга заруратга қараб, текширилган хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки мансабдор шахсларининг тушунтириш хатлари, тегишли хужжатлар нусхалари илова қилиниб, текшириш далолатномасининг 1 нусхаси текшириш якунланган кун субъект раҳбарига уни олганлиги тўғрисида имзо билан қолдирилади.

Текшириш натижасига кўра аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатма берилади.